



20 20у « 1 » ИЮЛЬ

№ Қ-303

« \_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ г

**Термиз тумани “Амударё Гулбаҳор” массиви худудидан “JAMSHIDBEK” ХКга “Мева-сабзавот ва полиз экинларини етиштириш ҳамда экспортни амалга ошириш” учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 майдаги 05-02/257-сон йиғилиш баёни ва Термиз тумани ҳокимининг 2020 йил 05 майдаги 189/01-42-сон хатини кўриб чиқиб,

### Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 майдаги 05-02/257-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Термиз тумани “Амударё Гулбаҳор” массиви худудидан “JAMSHIDBEK” ХКга “Мева-сабзавот ва полиз экинларини етиштириш ҳамда экспортни амалга ошириш” учун туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 185қ, 186, 187, 194 ва 195-дала контурларидаги тупроқ унумдорлиги 44,6 балл бўлган жами 51,0 гектар, шундан 50,0 гектар суғориладиган экин ер, 0,5 гектар ариқ ва зовурлар, 0,3 гектар йўллар ва 0,2 гектар бошқа қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган майдонларини доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Термиз тумани ҳокимлиги (Ш.Уринов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Х.Саматов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов